

“ТАСДИҚЛАНГАН”

«IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» АЖ  
Кузатув кенгаши қарори билан  
Кузатув кенгаши раиси

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Андеррайтер - “НВCapital” масъулияти  
чекланган жамияти  
Директори



А.Э.Тешабоев

2022 йил “22” февраль 4-сон



М.М.Шаробидинов

2022 йил “22” февраль

## АКЦИЯЛАР ЭМИССИЯСИ РИСОЛАСИ

«IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» акциядорлик жамияти

Идентификация рақами берилди:	Р	4	1	0	2	В	0	3	4	1	7	5
-------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Хужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акциялар, сони 3 202 000 (уч миллион икки юз икки минг) дона, номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган, умумий қиймати 3 202 000 000 (уч миллиард икки юз икки миллион) сўм.

Бошқарув раиси қ.в.б.

Бошқасобчи



Ў.Зияйдинов

А.Журабоев

2022 йил “22” февраль

РЎЙХАТДАН ЎТКАЗУВЧИ ОРГАН УШБУ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭМИССИЯСИ РИСОЛАСИДАГИ АХБОРОТНИНГ ТЎҒРИЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАР БЎЛМАЙДИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ФАКТИ БИЛАН ЖОЙЛАШТИРИЛАЁТГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРГА НИСБАТАН ЎЗ МУНОСАБАТИНИ БИЛДИРМАЙДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ 61-МОДДАСИГА МУВОФИҚ, ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ИНВЕСТИЦИЯ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ТАНЛАШ ВА ШУНГА МУВОФИҚ УШБУ ТАНЛОВНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ИНВЕСТИОРНИНГ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИДИР.

ЖАМИЯТЛАР РИСОЛАДА КЕЛТИРИЛГАН БАРЧА МАЪЛУМОТЛАР ИШОНЧЛИЛИГИ, ИНВЕСТИОРЛАРНИ ЖАМИЯТЛАР ВА УЛАР ЖОЙЛАШТИРАДИГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР МАСАЛАСИДА ЧАЛҒИТМАСЛИГИНИ ТАСДИҚЛАЙДИ.

## **1-боб. Жамият тўғрисида маълумот**

### **1. Жамиятнинг номи.**

#### **Тўлиқ номи:**

Ўзбек тилида: «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» акциядорлик жамияти;  
Лотин алифбосида: «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» aksiyadorlik jamiyati;  
Рус тилида: Акционерное общество «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti»;  
Инглиз тилида: “IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti” joint stock company.

#### **Қисқартирилган номи:**

Ўзбек тилида: «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» АЖ;  
Лотин алифбосида: «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» AJ;  
Рус тилида: АО «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti»;  
Инглиз тилида: JSC “IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti”.  
Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли: Акциядорлик жамияти.

### **2. Жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар.**

#### **а) бирламчи давлат рўйхатидан ўтган санаси ва рақами:**

Андижон шаҳар хокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2011 йил 9 сентябрь куни 16255-сон билан.

#### **б) давлат рўйхатидан қайта ўтиш санаси ва рақами (қайта рўйхатдан ўтиш амалга оширилган бўлса):**

- 2019 йил 15 май куни 16255-сон билан;
- 2020 йил 17 сентябрь куни 16255-сон билан;
- 2020 йил 5 октябрь куни 16255-сон билан.

#### **в) номи ўзгарган бўлса, аввалги барча қисқарган ва тўлиқ номлари, шунингдек, ўзгартирилган саналар кўрсатилади:**

Жамият фаолияти давомида унинг номи ўзгартирилиши амалга оширилмаган.

#### **д) агар жамият юридик шахс (шахслар)ни қайта ташкил этиш натижасида ташкил топган бўлса, қайта ташкил этилган шахслар ва (ёки) жамиятларнинг вориси эканлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади:**

Муқаддам жамият Андижон шаҳар давлат хизматлари маркази томонидан «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» mas'uliyati cheklangan jamiyati негизида 2020 йил 17 сентябрь куни 16255-сонли реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган ҳолда қайта ташкил этилган. Ушбу жамият таъсисчилари 2020 йил 17 сентябрь кунги 15/20-сонли қарорига мувофиқ 2020 йил 5 октябрда акциядорлик жамияти ташкилий-ҳуқуқий шакли мақомига ўзгартирилган бўлиб, унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади ва илгари тузилган барча шартномалар ҳамда мажбуриятлар бўйича масъулиятни ўз зиммасига олади.

### **3. Жамиятнинг жойлашган жойи, телефон ва факс рақамлари, расмий веб-сайт ва электрон почта маълумотлари.**

**Жамиятнинг жойлашган манзили (почта манзили):** Андижон вилояти, 170100, Андижон шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 44-а-уй.

**Телефон ва факс рақамлари:** (78) 298-12-35, (74) 228-32-12.

#### **Расмий веб-сайт ва электрон почта маълумотлари:**

Жамиятнинг расмий веб-сайти: [www.imkonfinans.uz](http://www.imkonfinans.uz)

Жамиятнинг электрон почта манзили: [info@imkonfinans.uz](mailto:info@imkonfinans.uz)

### **4. Жамиятнинг банк реквизитлари.**

- ҳисоб рақами: 2021 6000 7049 3475 9001;
- банк номи: “Алокабанк” АТБ Андижон вилоят филиали;
- банк коди: 00401;
- банк манзили: Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Пахтакор кўчаси, 12-уй.

## 5. Жамиятнинг солиқ органи номи ва СТИР.

Анджон шаҳар давлат солиқ инспекцияси, СТИР: 302096393.

## 6. Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар:

Ташкилий-ҳуқуқий шакллар таснифлагичи (ТХШТ): 153

Маъмурий-ҳудудий объектларни белгилаш тизими (МҲОБТ): 1703401

Давлат бошқаруви идораларини белгилаш тизими (ДБИБТ): 79994

Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФТУТ): 64190

Корхоналар фаолияти ҳолати таснифлагичи (КФХТ): 1

## 7. Рейтинглари мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар.

Рейтинг берилган объект	Рейтинг баҳоси	Молия йили	Рейтингни берган ташкилотнинг тўлиқ ва қисқарган номи, юридик ва почта манзили
«IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» МЧЖ	(Барқарор) uzB++	2019 йил 1 чорак якуни	“Ahbor-Reyting” МЧЖ рейтинг агентлиги. 100027, Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси 1-уй. Телефон: 71-238-69-19, info@ahbor-reyting.uz
«IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» АЖ	(Барқарор) uzA	2020 йил ноябрь ҳолатига	“Ahbor-Reyting” МЧЖ рейтинг агентлиги. 100027, Тошкент шаҳар, Қоратош кўчаси 1-уй. Телефон: 71-238-69-19, info@ahbor-reyting.uz

## 8. Жамият филиаллари ҳамда вакилликлари тўғрисида маълумот.

Жамиятнинг ваколатхоналари ва филиаллари мавжуд эмас.

## 9. Шуъба ва (ёки) тобе юридик шахслар тўғрисида маълумот (мавжуд бўлган тақдирда).

Жамият шуъба ва тобе юридик шахс жамиятларга эга эмас.

10. Жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида жойлашган саноат, банк, молиявий гуруҳлар, холдинглар, концернлар, уюшмалар, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига тегишлилиги, товар, валюта, фонд, бошқа биржалардаги аъзолиги, уларнинг тўла номлари ва манзиллари кўрсатилган ҳолда.

Гуруҳларнинг номи	Номи	Жойлашган манзили
1	2	3
Саноат гуруҳлари	-	-
Банк гуруҳлари	-	-
Молиявий гуруҳлар	-	-
Холдинг компаниялари	-	-
Уюшмалар	Ўзбекистон Республикаси “Микромолия ташкилотлари миллий ассоциацияси”	100083, Тошкент шаҳри, Навои кўчаси, 44-уй.
Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари	-	-
Биржалар	-	-

## 11. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси.

«IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» АЖнинг ташкилий тузилмаси илова қилинади.

## 12. Ишчиларнинг охириги 3 йил учун ўртача йиллик сони (одамлар):

Тоифа	2019 й.	2020 й.	2021 й.
1	2	3	4
жамиятнинг асосий фаолияти бўйича ходимлар сони	9	10	18
маъмурий-бошқарув ходимлари	2	4	4
<b>Жами:</b>	<b>11</b>	<b>14</b>	<b>22</b>

**13. Жамият устав капиталининг 5 ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар (ушбу илованинг 11-бандида кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно).**

Жамият устав капиталининг 5 ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган ташкилотлар мавжуд эмас.

**14. Корпоратив бошқарув кодексининг жамият томонидан қабул қилинган санаси (Агар низомда уни қабул қилиш кўзда тутилган бўлса).**

Корпоратив бошқарув кодекси жамият томонидан қабул қилинмаганлиги сабабли Корпоратив бошқарув кодексининг қабул қилиш санаси мавжуд эмас.

**15. Жамият қимматли қоғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун ошкор қилиниши муҳим деб билган бошқа маълумотлар.**

Жамият қимматли қоғозларини харид қилиш учун ошкор қилиниши муҳим деб билган бошқа маълумотлар мавжуд эмас.

## **2-боб. Келгуси қимматли қоғозлар чиқарилишини муомалага киритиш шартлари**

**16. Келгуси акциялар чиқарилиши шартлари.**

**а) чиқарилишдаги акциялар тури (оддий ёки имтиёзли):** эгасининг номи ёзилган оддий, ҳужжатсиз;

**б) чиқарилишдаги акциялар миқдори:** 3 202 000 (уч миллион икки юз икки минг) дона;

**в) чиқарилишдаги акциянинг номинал қиймати, сўмда:** 1 000 (бир минг) сўм;

**г) чиқарилишнинг умумий ҳажми, сўмда:** 3 202 000 000 (уч миллиард икки юз икки миллион) сўм;

**д) акцияларни жойлаштириш муддати ва тартиби:**

**Акцияларни жойлаштириш муддати:**

Акциялар қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида рўйхатга олинган санадан бошлаб 365 кун ичида жойлаштирилади.

**Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси:**

Акциялар қўшимча чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот эълон қилинган кундан эътиборан 15 (ўн бешинчи) кун, бироқ имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати ўтгунига қадар жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, акцияларни жойлаштириш ушбу аризалар келиб тушган кундан кейинги иш кунида, лекин қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги белгиланган тартибда ошкор қилинганидан кейин камида икки ҳафта ўтгач бошланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси банк ҳисоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунида бошланади.

Жамият Корпоратив ахборотнинг ягона порталига ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) ва жамиятнинг расмий веб-сайтига ([www.imkonfinans.uz](http://www.imkonfinans.uz)) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги 44-модда олтинчи қисмининг “б” кичик бандида кўрсатилган акциялар қўшимча чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот ошкор қилади.

**Акцияларни жойлаштиришни якунлаш санаси:**

Мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни якунланиш санаси, мазкур чиқарилиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 кундан ошмаслиги лозим.

### **Акцияларни жойлаштирилишни тартиби:**

Ушбу чиқарилишидаги акциялар жойлаштирилишида жамиятнинг овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Жамият қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн кун ичида жамиятнинг корпоратив веб-сайти ва/ёки оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларини, ўзининг мавжуд акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда, қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган жамиятнинг бошқарув органи томонидан белгиланган жойлаштириш нархи бўйича олишни қонун ҳужжатларига мувофиқ таклиф этади.

Имтиёзли олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдириш эълон қилинган пайдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади. Акциялар имтиёзли олиш ҳуқуқи орқали жойлаштирилаётганда жамият акциядор билан амалдаги қонунчиликка мувофиқ уюлмаган қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битими тузади.

Акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати туганидан сўнг, жойлаштирилмаган акциялар очик обуна орқали сони чекланмаган инвесторлар ўртасида биржадан ташқари қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиси “EL SIS-SAVDO” акциядорлик жамияти орқали жойлаштирилиши амалга оширилади. Бунда акцияларни жойлаштириш бўйича битимлар, қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари ташкилотчисининг савдо қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Жамият томонидан ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи “НВCapital” Масъулияти чекланган жамияти инвестиция воситачиси - қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчини (андеррайтер) жалб қилган ҳолда амалга оширилади.

### **Андеррайтер тўғрисида маълумотлар:**

- тўлиқ номи: “НВCapital” Масъулияти чекланган жамияти;
- қисқартирилган номи: “НВCapital” МЧЖ;
- жойлашган жойи: 170119, Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 53-уй;
- профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисида маълумот: инвестиция воситачиси сифатида Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорларини ривожлантириш Агентлиги томонидан 2020 йил 25 майда берилган 1399-сонли муддатсиз лицензия.

Жамият ва акцияларни жойлаштириш бўйича андеррайтер ўртасидаги тузилган шартномага мувофиқ қўйидагилар андеррайтернинг асосий вазифаларига киради:

- эмитент билан биргаликда акцияларни чиқариш ва жойлаштиришнинг мақбул тузилмасини шакллантириш;
- инвестиция меморандумини тузиш ва инвесторларга тақдим этиш;
- андеррайтерлик хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ жамият акцияларини жойлаштириш;
- акцияларни жойлаштиришдан олинган маблағларни жамиятга тўлаш;
- ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш, қонун ҳужжатларига мувофиқ сони чекланмаган инвесторлар ўртасида жойлаштирилишини амалга ошириш.

Ушбу шартномада, шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни андеррайтер томонидан ўз ҳисобидан олиниши, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби назарда тутилмаган.

**е) тўлов усули ва жойлаштириладиган акциялар нархи (қиймати):**

**Тўлов усули:** пул маблағлари.

**Жойлаштириладиган акциялар нархи:** 1 000 (бир минг) сўм.

**ж) акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:**

Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби амалдаги қонунчилик ва қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари ташкилотчисининг савдо қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан, Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўмда амалга оширилади. Тўловлар пул ўтказиш йўли билан юридик шахслар учун нақдсиз шаклда, жисмоний шахслар учун нақд ва нақдсиз шаклда амалга оширилади.

Акциялар жойлаштириш бўйича тузилган битимлар натижаларида акциялар учун пул маблағлари жамиятининг қуйидаги банк ҳисоб рақамига қабул қилинади:

- ҳисоб рақами: 2021 6000 7049 3475 9001;

- банк номи: “Алоқабанк” АТБ Андижон вилоят филиали;

- банк коди: 00401;

- банк манзили: Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Пахтакор кўчаси, 12-уй.

Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни жойлаштириш муддати ичида тўлиқ ҳақ тўланиши лозим.

**з) ушбу чиқарилишнинг акцияларини сотиб олишга бўлган чекловлар:**

Жамият Устави ва акцияларни қўшимча чиқарилиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ жамият акция эгалари ўзларида мавжуд бўлган жамиятнинг оддий акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда ўз улушларини сақлаб қолиш мақсадида имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланган ҳолда қўшимча оддий акциялар сотиб олиш ҳуқуқига эга. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг акциялар рекламадан фойдаланган ҳолда чекланмаган миқдордаги инвесторлар ўртасида очик обуна усулида жойлаштирилади.

**и) инвестор томонидан сотиб олинган акциялар бўйича олинган даромадни солиққа тортиш тўғрисидаги маълумот:**

Инвестор томонидан сотиб олинган акциялар бўйича олинган даромадни солиққа тортиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**к) акцияларни чиқаришдан мақсад:** Жамият устав капиталини кўпайтириш.

**л) акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар тўлови сифатида жамият олган маблағларни қайтариш тартиби:**

Ушбу қўшимча акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда акциялар учун тўланган маблағларнинг қайтарилиши қуйидагича амалга оширилади:

жамият томонидан ушбу ҳолат тўғрисида ўрнатилган тартибда расмий маълумот (Қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга ошмаган деб топиш 28-рақамли муҳим факти) жамият расмий веб-сайтида ([www.imkonfinans.uz](http://www.imkonfinans.uz)) ва Корпоратив ахборот ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) ошкор этилади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган санадан сўнг 10 (ўн) кун ичида акциялар учун тўланган маблағлар қонунчиликда белгиланган тартибда инвесторларга қайтарилади.

**м) аввалги акциялар чиқарилиши тўғрисидаги маълумотлар:**

**Акцияларнинг биринчи эмиссияси**

- давлат рўйхатидан ўтиш сана: 2020 йил 14 октябрь; рақами: №В0341;

- чиқаришнинг идентификация рақами: RU101B0341T7;

- жойлаштиришни бошлаш санаси: 2020 йил 14 октябрь;

- жойлаштиришни яқунлаш санаси: 2020 йил 21 октябрь;

- муомалага чиқиш санаси: 2020 йил 22 октябрь;

- акцияларнинг номинал қиймати, сўм: 1000 сўм;

- акциялар чиқарилишининг умумий ҳажми: 4 002 000 000 сўм;

- чиқарилган акцияларнинг умумий сони: 4 002 000 дона;

- чиқарилган акцияларнинг тури ва уларнинг турлари бўйича миқдори: оддий акциялар, 4 002 000 дона;

- умумий чиқарилиш ичидан жойлаштириладиган акциялар фоизи, тўлиқ жойлаштирмаслик сабаби (тўлиқ жойлаштирилмаган тақдирда): Ушбу акциялар чиқарилуви жамият таъсисчилари ўртасида тўлиқ (100%) жойлаштирилган;
- акцияларни чиқаришдан мақсад: Жамиятнинг мулкчилик шаклини Масъуляти чекланган жамият шаклидан акциядорлик жамияти шаклига ўзгартилганлиги сабабли акциялар чиқарилган.

**н) сўнги уч йил учун ҳисобланган ва тўланган дивидендлар тўғрисида маълумот:**

(минг сўм ҳисобида)

Йиллар якуни	Ҳисобланган дивиденд суммаси	Тўланган дивиденд суммаси
2019 йил	503 999	503 999
2020 йил	697 301	697 301
2021 йил	-	-

**о) мавжуд акцияларни бирлаштириш ёки тақсимлаш санаси ва сабаблари тўғрисидаги маълумотлар:**

Мавжуд акцияларни бирлаштириш ёки тақсимлаш ҳолати содир этилмаган.

**п) охириги йил учун акциялар нархларининг тақсимланиши, биржа ёки биржадан ташқарида савдоларда расмий рўйхатдан ўтказилган юқори ва пастки нархлар кўрсатилган ҳолда:**

Жамият акцияларининг биржадан ташқарида савдолардаги юқори ва паст нархлари - 1000 сўм.

**р) акциялар реализация қилинадиган жойлар (қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг номи ва унинг маълумотлари):**

Жамият акциялари қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиси “EL SIS-SAVDO” АЖнинг уюшган биржадан ташқари савдосида реализация амалга ошган.

**Қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиси тўғрисидаги маълумотлар:**

- тўлиқ номи: “EL SIS-SAVDO” Акциядорлик жамияти;
- жойлашган ери ва почта манзили: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 107-уй;
- алоқа телефони: (71) 267-52-58;
- электрон почта манзили: info@elsissavdo.uz;
- расмий веб-сайти: www.elsissavdo.uz.

**3-боб. Эмиссия тўғрисидаги қўшимча маълумотлар**

**18. Ушбу қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган жамият органи ва қарор қабул қилинган сана:**

Кузатов кенгаши, 2022 йил 22 февраль.

**19. Ушбу чиқарилиш бўйича жамият томонидан жалб қилинган қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ҳақида маълумот.**

**Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси тўғрисидаги маълумотлар:**

- тўлиқ номи: “НВСapital” масъуляти чекланган жамияти;
- жойлашган ери ва почта манзили: 170119, Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 53-уй.
- алоқа телефони: (74) 234-35-39
- профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисида маълумот: инвестиция воситачиси сифатида Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорларини ривожлантириш Агентлиги томонидан 2020 йил 25 майда берилган 1399-сонли муддатсиз лицензия;
- жамият ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси ўртасида тузилган шартномаси санаси ва рақами: 01.12.2021 й., 1-сон.

**20. Мустақил аудитор тўғрисидаги ахборот.**

Жамиятнинг сўнги тугалланган 2021 йил молиявий ҳисоботининг аудитор томонидан текшируви 2022 йилнинг 2 чорагида ўтказилиши режалаштирилган.



Тугалланган 2020 молиявий йилида жамият молия ҳисоботи аудитини амалга оширган.

- аудиторнинг фамилияси, исми, шарифи: Солиев Абдуқаҳхор Абдуллаевич;
- лицензия рақами ва берилган сана: 2020 йил 23 январь, 00840-сон;
- аудиторлик фирмаси номи: “Агро тахлил” аудиторлик ташкилоти Водий минтақавий филиали;
- манзил: Андижон шаҳри, Тинчлик кўчаси, 8-уй.

Тугалланган 2019 молиявий йилида жамият молия ҳисоботини аудитини амалга оширган.

- аудиторнинг фамилияси, исми, шарифи: Солиев Абдуқаҳхор Абдуллаевич
- лицензия рақами ва берилган санаси: 2020 йил 23 январь, 00840-сон;
- аудиторлик фирмаси номи: “ASL-MOLIYA TAXLIL” аудиторлик ташкилоти МЧЖ Андижон филиали
- манзил: Андижон шаҳар, Тинчлик Мирзаев кўчаси, 8-уй.

## **21. Мазкур чиқарилиш билан боғлиқ тегишли хизматларни кўрсатиш бўйича шартнома тузилган юридик ва молия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг тўлиқ номи.**

Мавжуд эмас.

## **22. Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи ташкилотлар тўғрисида маълумот.**

### **Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳақида маълумот:**

- тўлиқ номи: “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонаси;
- ташкилий ҳуқуқий шакли: давлат унитар корхонаси;
- жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй;
- почта манзили: 100170, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй;
- телефон: (71) 267-37-42.
- шартнома санаси ва рақами: 19.10.2020 йилда 2227/Э-сонли

### **Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ҳақида маълумот:**

- тўлиқ номи: “НВCapital” Масъулияти чекланган жамияти;
- ташкилий ҳуқуқий шакли: масъулияти чекланган жамияти;
- жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 53-уй;
- почта манзили: 170119, Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 53-уй;
- телефон: (74) 234-35-39.
- шартнома санаси ва рақами: 20.10.2020 йилда 59-сонли

## **23. Рўйхатга олинган облигациялар чиқарилишлари тўғрисидаги маълумотлар:**

### **Биринчи чиқарилиши:**

- а) облигацияларнинг умумий миқдори:** 4 000 000 000 (тўрт миллиард) сўм;
- б) облигацияларнинг тури:** фоизли;
- в) облигацияларнинг номинал қиймати:** 1 000 000 (бир миллион) сўм;
- г) облигацияларнинг сони:** 4 000 (тўрт минг) дона;
- д) облигациялар чиқарилишининг давлат рўйхатидан ўтган санаси:** 15.12.2020 й.;
- е) жойлаштирилган облигациялар миқдори:** 0 сўм;
- ж) облигацияларни жойлаштиришда жалб этилган маблағларнинг умумий миқдори:** 0 сўм;
- з) облигация чиқарилиши бўйича ҳисобланган ва тўланган мукофот миқдори:** 0 сўм;
- и) қайта сотиб олинган облигациялар миқдори:** 0 сўм;
- й) жойлаштирилмаган облигациялар фоизи:** 0 фоиз;



к) облигацияларни жойлаштирмаганлик сабаби: инвестор томонидан талаби бўлмаганлиги сабабли облигациялар жойлаштирилмаган;

л) жамиятнинг облигациялар эгалари олдидаги мажбуриятларини бажармаслиги ҳолатлари бўйича маълумотлар (облигациялар бўйича мукофотларни тўламаслик (тўловнинг кечиктирилиши), жумладан, бажарилмаган мажбуриятлар ҳажми ва қанча муддатга кечиктирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган, аммо тўлаб берилмаган мукофот миқдори (тур ва чиқаришлар бўйича алоҳида): бундай ҳолатлари мавжуд эмас;

м) облигациялар чиқарилишини жойлаштириш ёки муомалага чиқариш тўхтатилган (тикланган) бўлса, бундай қарорни қабул қилган давлат органи, асос ва қарор қабул қилинган сана кўрсатилади: бундай ҳолатлари мавжуд эмас.

Ушбу облигациялар чиқарилиши, корпоратив облигациялар белгиланган муддатларда жойлаштирилмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 22 декабрдаги 15-09/027-сонли қарорига асосан жойлаштирилмаган деб топилган ҳамда 2022 йил 21 январдаги 07/46-01-02/007-сонли қарорга асосан облигацияларнинг чиқарилиши бекор қилинган.

Жамият томонидан айирбошланадиган облигацияларини чиқарилмаганлиги сабабли жамиятнинг сўндирилмаган айирбошланадиган облигациялари мавжуд эмас.

#### 4-боб. Жамиятнинг бошқарув ва ижро органлари тўғрисидаги маълумот

##### 24. Жамият кузатув кенгаши аъзолари тўғрисидаги маълумотлар.

Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Кузатув кенгаши аъзолари сайланган сана ва уларнинг сўнгги 3 йил ичидаги ва ҳозирги вақтдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги хронологик тартибдаги маълумотлар	Кузатув кенгаши ҳар бир аъзосига тегишли жамиятнинг устав фондидаги улуш	
		Акция сони доналарда	Улуш фоизда (%)
1	2		3
Тешабаев Акмалжон Эргашевич	Кузатув кенгаши раиси. Сайланган сана – 09.02.2021 й. <i>Охириги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:</i> 06.07.2019 – ҳ.в. “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” АЖ Марказий кенгаш раиси 01.04.2017 – 06.07.2019 йй. “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” АЖ маслаҳатчиси	2 699 200	67,45
Маматов Адхамжон Ахмедович	Кузатув кенгаши аъзоси. Сайланган сана – 09.02.2021 й. <i>Охириги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:</i> 01.01.2020 – ҳ.в. “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” АЖ Кенгаш бўлими Раис маслаҳатчиси 17.12.2019 – 03.08.2020 йй. “INVEST FINANCE BANK” АТБ Андижон вилояти филиали Бэк-офис бошлиғи 09.09.2019 – 16.12.2019 йй. “INVEST FINANCE BANK” АТБ Андижон вилояти филиали Бэк-офис бошлиғи в.б. 02.05.2015 – 09.09.2019 йй. “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” АЖ Кенгаш раиси	1 301 000	32.51

Акбаров Даврон Икромович	Кузатув кенгаши аъзоси. Сайланган сана – 09.02.2021 й. <i>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:</i> 01.03.2021 – ҳ.в. “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” АЖ Кенгаш бўлими маслаҳатчиси 01.01.2020 – ҳ.в. “ZAM-ZAM 2019” ХК, ишчи 22.10.2019 – 01.04.2020 йй. “Hamkorbank” АТБ Халқаро молия институтлари билан ишлаш бўлими мутахассиси 01.10.2019 – ҳ.в. “SHARDA” Ҳалқаро Университетида ўқитувчи	0	0
--------------------------	--	---	---

**25. Жамият кузатув кенгаши қўмиталари тўғрисидаги ахборот.**

Жамият Кузатув кенгаши қўмиталари мавжуд эмас.

**26. Жамиятнинг коллегиял (якка) ижроия органи тўғрисида маълумотлар.**

Ижроия органи вазифасини якка бажарувчи шахснинг Ф.И.Ш.	Ижроия органи вазифасини якка бажарувчи шахс сайланган сана, сўнгги 3 йил ичидаги ва ҳозирги вақтдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги хронологик тартибдаги маълумотлар	Якка ижроия органига тегишли жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг жамият устав капиталидаги овоз берувчи акцияларнинг умумий ҳажмига фоиз нисбати
Зияйдинов Ўктамжон Сойибкомолович	Бошқарув раиси в.в.б. Сайланган сана – 06.07.2021 йил. <i>Охирги 3 йилдаги меҳнат фаолияти:</i> 06.07.2021 – ҳ.в. “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” АЖ Бошқарув раиси в.в.б. 15.12.2020 – 05.07.2021 йй. “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” АЖ операцион бошқарма бошлиғи 11.02.2019 – ҳ.в. “SARMOYA” МЧЖ қўшма корхона раҳбари (ўриндошлик бўйича). 01.2015 - 02.2019 йй. “INTEGRAL BUSINESS GROUP” МЧЖ раҳбари	0

**27. Жамият ижроия органининг вазифаси топширилган ташкилот тўғрисидаги маълумот.**

Жамият ижроия органи бошқарув ташкилотига топширилмаган.

**28. Мукофот ҳамда иш ҳақининг умумий миқдори, шунингдек, сўнгги 2019-2021 молиявий йил учун мазкур Рисоланинг 24, 26 ва 27-бандларида кўрсатилган жамиятнинг шахсларига берилган ва тўланган имтиёзлар.**

(минг сўм ҳисобида)

Мазмуни	2019 йил бўйича	2020 йил бўйича	2021 йил бўйича
Жамият кузатув кенгаш аъзоларига жами тўланган иш ҳаққи миқдори	53 352.0	61 338.0	146 000.0
Жамият ижроия органига жами тўланган иш ҳаққи миқдори	218 813.0	628 042.0	304 658.0
Жамият ижроия органининг вазифаси топширилган ташкилотга тўланган иш ҳаққи миқдори	-	-	-
<b>Жами:</b>	<b>272 165.0</b>	<b>689 380.0</b>	<b>450 658.0</b>

Шунингдек жамиятнинг юқоридаги мазкур шахсларга ҳеч қандай имтиёзлар берилмаган ва тўланмаган.

**29. Жамиятнинг 5 ва ундан ортиқ фоиз акциялари (улуши)га эга бўлган акциядорлари (иштирокчилари).**

Акциядорнинг Ф.И.Ш., солиқ тўловчининг индивидуал рақами	Овоз берувчи акцияларининг 5 ва ундан ортиқ фоизига ёки устав капиталидаги иштирок этиш улушига эгаллик қилишни бошлаган сана	Кузатув кенгаши ҳар бир аъзосига тегишли жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг жамият устав капиталидаги овоз берувчи акцияларнинг умумий ҳажмига фоиз нисбати
Тешабоев Акмалжон Эргашевич СТИР рақами: 484570155	21.10.2020 й.	67.45
Маматов Адхамжон Ахмедович СТИР рақами: 431375661	21.10.2020 й.	32.51

**30. Жамиятнинг бошқа аффилиланган шахслари тўғрисидаги маълумотлар.**

Аффилиланган –жисмоний шахсларнинг Ф.И.Ш.	Аффилиланган шахс деб ҳисобланишининг асоси	Асос(лар) содир этилган сана
2	3	4
Тешабоев Акмалжон Эргашевич	Жамият Кузатув кенгаши раиси	09.02.2021 й.
Маматов Адхамжон Ахмедович	Жамият Кузатув кенгаши аъзоси	09.02.2021 й.
Акбаров Даврон Икромович	Жамият Кузатув кенгаши аъзоси	09.02.2021 й.
Зияйдинов Ўқтамжон Сойибкомолович	Жамият Бошқарув раиси в.в.б.	06.07.2021 й.

**5-боб. Жамиятнинг молиявий-иқтисодий фаолияти кўрсаткичлари**

**31. Жамият фаолияти турлари.**

**а) асосий фаолият тури ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (хизматлар) турлари;**

Жамиятнинг асосий фаолият тури микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат.

Ўз фаолият мақсадига эришиш учун жамият қуйидаги микромолиявий хизматларни амалга оширади:

- микрокредитлар ёки микроқарзлар бериш;
- қарз мажбуриятларини сотиб олиш ва сотиш (факторинг);
- жамият лизинг берувчи сифатида иштирок этадиган микролизинг бериш (молиявий ижара);
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги микромолиявий хизматлар кўрсатиш, шу жумладан истеъмол кредитлари бериш;
- корпоратив облигацияларни чиқариш ва уларни юридик шахслар ўртасида жойлаштириш;
- банклар, суғурта компаниялари ва бошқа молия ташкилотларнинг агенти сифатида агентлик хизматларини фақат нақдсиз шаклда кўрсатиш ва агентлик битимининг мавжудлиги тўғрисида ахборотларни ошкор қилиш, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатлари нормаларини бажариш шарти билан қатнашиш;
- макропруденциал назорат доирасида белгиланган нормаларга риоя қилинишини таъминлайдиган ҳажмларда кредитларни (қарзларни) жалб қилиш;
- чакана хизматлар, шу жумладан нақдсиз шаклда кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар марказларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни хабардор қилган ҳолда очиш;
- жамият микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш мумкин.

**б) жамиятнинг лицензиялари (патентлари) тўғрисидаги маълумотлар.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2020 йил 22 октябрда 40-сонли Микрокредит ташкилоти фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензияга асосан фаолият кўрсатади.

**32. Жамиятнинг бозордаги улуши тўғрисидаги маълумот.**

Жамият Ўзбекистон Республикасида жойлашган микрокредит ташкилотлари орасида ўрта улушдаги микрокредит ташкилоти сирасига киради (*ушбу микрокредит ташкилотлари улуши Марказий банк томонидан кичик, ўрта ва йирик бўғинга бўлинган*).

Жамият Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2022 йил 01 январ кунги Республикадаги мавжуд микрокредит ташкилотларининг жамланма статистик маълумотиغا мувофиқ, бозорда куйидаги улушларга эга:

- жами активлар бўйича: жами активлари 16 012 980 минг сўм бўлиб, республикадаги мавжуд микрокредит ташкилотларининг умумий актив суммасига нисбатан 1,26 фоиз улушига эга;

- жами мажбуриятлар бўйича: жами мажбуриятлари 8 155 000 минг сўм бўлиб, республикадаги мавжуд микрокредит ташкилотларининг умумий мажбурият суммасига нисбатан 1,39 фоиз улушига эга.

- жами капитали бўйича: жами капитали 7 859 000 минг сўм бўлиб, республикадаги мавжуд микрокредит ташкилотларининг умумий капитал суммасига нисбатан 1,14 фоиз улушига эга.

**33. Соҳанинг келажақдаги тараққиёти борасидаги прогнозлар ва ушбу соҳадаги жамиятнинг ўрни.**

Андижон вилояти ҳудудида муқаддам 14 нафар нобанк кредит ташкилотлари ўз фаолият юритган бўлиб, ҳозирги кунда 4 нафар микрокредит ташкилоти фаолият юритиб келмоқда.

Келажақда жамият акциядорлик жамияти шаклида қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш ва жамиятнинг қўшимча филиаллар ҳамда ваколатхоналарини очишни режалаштирилган.

(минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2022 йил якунида	2023 йил якунида
Активлар	31 082 000	44 512 000
Кредит қўйилмалари	25 202 000	36 292 000
Капитал	15 172 000	18 332 000
Устав капитал	10 002 000	10 002 000
Соф фойда	5 000 000	7 000 000

**34. Сўнгги уч йил ичида ёки жамиятнинг расмий фаолияти даврида сотилган маҳсулотлар (бajarилган иш, хизматлар) ҳажми.**

(минг сўм ҳисобида)

Йиллар	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Кўрсатилган хизматлар	4 705 448	6 079 841	11 853 452

**35. Жамиятнинг ўз маҳсулотлари (ишлари, хизматлари)ни сотишни ташкил этиш бўйича фаолияти.**

Жамиятнинг асосий фаолияти микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат. Жамият фаолиятининг асосий ресурси бўлиб, акциядорлар томонидан тўланган пул маблағлари ва жалб қилинган қарз маблағлардан ташкил топган.

Жамият кредит маҳсулотларининг фойдаланувчилари жисмоний ва юридик шахслар ҳисобланади. Кредит олган миқдорлар ўртасида жамият кредит қўйилмасининг 10 фоиз ва ундан ортиқ қисмини ташкил этувчи улушга эга қарздорлар мавжуд эмас.

**36. Жамият фаолиятига таъсир қиладиган омиллар:**

**а) жамият фаолияти асосий турлари бўйича савдо (иш, хизмат) даромадлилигига ижобий ва салбий таъсир қиладиган омиллар;**

Актив ва пасив операцияларнинг мутаносиблиги.

Аҳоли ва юридик шахслардан бўш пул маблағларини жалб этиш.

Жалб этилган маблағларни аҳоли ва юридик шахслар ўрсатида маржа билан кредитларга жойлаштириш.

Тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ замонавий микромолиявий хизматларини кўрсатиш. Мижозлар сони.

Белгиланган пруденциал талабларнинг бажарилиш ҳолати.

#### **б) жамиятнинг суд жараёнларидаги иштироки тўғрисидаги маълумотлар;**

Жамиятнинг жавобгар ва даъвогар сифатида иштирок этаётган суд жараёнлари мавжуд эмас.

#### **в) ваколатли давлат органлари ва (ёки) суд томонидан сўнгги 2017-2019 йиллар давомида жамиятга ва унинг бошқарув органи аъзоларига нисбатан қўлланган барча маъмурий жазолар (санкциялар, жумладан молиявий) тўғрисидаги маълумотлар;**

##### **1-чи санкция**

а) санкция қўлланилган саналар 26.09.2017 йил

б) санкцияни қўллаган орган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

в) санкция қўллаш сабаблари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ташкилотларни молиявий ҳолатини кўриб чиқиш комиссия 26.09.2017 йилдаги 716/12-сонли қарори - Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузганлик учун.

г) санкциялар миқдори, сўм 9 626 300 (тўққиз миллион олти юз йигирма олти минг уч юз) сўм

д) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган пайтдаги санкциялар ижросининг даражаси Қўлланилган санкция тўлиқ тўланган.

##### **2-чи санкция**

а) санкция қўлланилган саналар 07.01.2019 йил

б) санкцияни қўллаган орган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

в) санкция қўллаш сабаблари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банк назорати қўмитасининг 07.01.2019 йилдаги 82/4-сонли йиғилиш баёнига асосан - Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузганлик учун.

г) санкциялар миқдори, сўм 20 000 000 (йигирма миллион) сўм

д) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган пайтдаги санкциялар ижросининг даражаси Қўлланилган санкция тўлиқ тўланган.

##### **г) таваккалчилик омиллари:**

##### **- жамият фаолияти билан боғлиқ хавф-хатарлар;**

Жамият Марказий банк томонидан берилган лицензия асосида фаолият юритади. Марказий банк ҳар ойда жамиятнинг иқтисодий норматив-кўрсаткичларини назорат қилиб боради. Агар жамият томонидан ушбу иқтисодий норматив-кўрсаткичлари бузган тақдирда мазкур лицензияни чақириб олиши мумкин.

Жамиятнинг шуъба ташкилотлари мавжуд эмас, шунингдек учинчи шахслар бўйича мажбуриятлари мавжуд эмас.

Шунингдек, жамият микрокредит ташкилоти фаолияти билан боғлиқ хавф-хатарларни баҳолайди, назорат қилади ва бошқаради.

##### **- тармоқ хавф-хатарлари;**

Жамиятнинг асосий фаолияти микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат бўлиб, қуйидагилар тармоқ хавф-хатари деб кўрсатилади:

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилган (рўйхат рақами 3205-сон) “Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг кредитлар (микроқарзлар) бўйича қарз юкини ҳисоблаш тартиби, қарз юкининг рухсат этилган миқдори, шунингдек қарз юки ўсишини чеклаш тўғрисида”ги низом талабига мувофиқ Микрокредит ташкилотларига белгиланган фоиз ставкасининг энг юқори (50% қилиб белгиланган) меъёрининг пасайтирилиши;

- жамиятнинг таъсисчилар киритган улуши ва бошқа жалб қилинган маблағлар ҳисоби камайиши;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жамият устав капиталига ва бериладиган кредит фоиз ставкаларига белгиланган нормативларни оширилиши.

**- молиявий хавф-хатарлар;**

Жамият молиявий хавф-хатарлари сирасига жамият ўз мажбуриятларини қоплай олмаслиги, кредитор ва акциядорлар олдидаги мажбуриятларининг ортиши, молиявий барқарорлиги тўғрисида омма ичида салбий тасаввур юзага келиши, мижозлар сонининг камайиши, кўрсатилаётган хизмат сифатининг тушиши натижасида, жамиятда зарарлар юзага келишидан иборат.

**- ҳуқуқий хавф-хатарлар;**

Жамият ҳуқуқий хавф-хатарлари — жамият томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва тузилган шартномаларга риоя қилинмаслиги, иш жараёнида ҳуқуқий хатоликларга (нотўғри юридик маслаҳат ёки ҳужжатларни нотўғри тузилиши) йўл қўйилиши, ҳуқуқ тизимидаги камчиликлари, ҳамкорлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бузилиши натижасида жамиятда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ хатарлар.

**- операцион хавф-хатарлар;**

Жамият операцион хавф-хатарлари қуйидагилар ҳисобланади:

- жамият манфаатига қарши қаратилган тасодиқий ёки қасддан қилинган ҳаракатлар, шу жумладан жамиятнинг қонун талабларига ва ички меърий талабларига риоя қилмаслиги;
- жамият ташкилий тузилмаси номукамаллиги, шунингдек жамият бўлимлари ва ходимларининг вазифаларини тўғри тақсимланмаслиги;
- жамиятнинг ички тизимлари, жараёнлари, ахборот технологиялари, ходимлар ҳаракатларида йўл қўйилган хатоликлар ёки ташқи табиий жараёнлар, шу жумладан табиий офатлар, натижасида жамиятда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ хатарлар.

**- жамият қимматли қоғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун муҳим деб билган бошқа хавф-хатарлар.**

Бизнесда обрў-эътиборни йўқотиш хавф-хатари – жамиятнинг молиявий барқарорлиги тўғрисида омма ичида салбий тасаввур юзага келиши сабабли, мижозлар сонининг камайиши, кўрсатилаётган хизмат сифатининг тушиши натижасида жамиятда зарарлар юзага келиши хатари.

Фирибгарлик хавф-хатари- жамиятда ходимлар, мижозлар ва бошқа ҳамкорларнинг фирибгарлик ёки бошқа жиноий ҳатти-ҳаракатлари оқибатида молиявий зарарлар кўриш хатари.

**37. Хатарларни бошқаришда жамият сиёсати тўғрисидаги маълумотлар.**

Хатарларни бошқаришда жамият сиёсатида, берилётган кредитларни қуйидаги мезонларига асосан бошқарилади:

- берилётган кредитлар муддатлари бўйича;
- берилётган кредитнинг мақсадлари бўйича;
- берилётган кредитни қамраб олиш майдонлари бўйича;
- берилётган кредитнинг таъминоти бўйича.

**38. Жамиятнинг устав капитални тўғрисидаги маълумотлар:**

- а) уставга кўра устав капитални ҳажми: 4 002 000 000 (тўрт миллиард икки миллион) сўм;
- б) ҳисоб баланси бўйича устав капитални ҳажми: 4 002 000 000 (тўрт миллиард икки миллион) сўм;
- в) устав капиталининг тўланган қисми миқдори: 4 002 000 000 (тўрт миллиард икки миллион) сўм.

### 39. Жамиятнинг ўз капитали тўғрисидаги маълумотлар, сўм.

Жамиятининг жами ўз капитали қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги ҳақиқий миқдори (бухгалтерия балансининг маълумотлари бўйича): 4 656 527 000 (тўрт миллиард олти юз эллик олти миллион беш юз йигирма етти минг) сўмни ташкил қилади.

### 40. Захира фонди тўғрисидаги маълумот.

Жамият Захира фондининг Устав бўйича миқдори, фоизда: 15 (ўн беш) фоиз.

Қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санага Захира фондининг асл миқдори, минг сўм: 118 401 минг сўм.

Қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санага жамият Уставида белгиланган миқдорда Захира фонди тўлиқ шакллантирилмаган ва устав капиталга нисбатан 2,96 фоизни ташкил этди, яъни 118 401 минг сўм (бухгалтери балансининг маълумотлари бўйича).

### 41. Асосий молиявий кўрсаткичлар.

Жамият фаолияти 01.01.2022 йил ҳолати бўйича тузилган молиявий баланс ҳисоботи бўйича куйидаги кўрсаткичларга эга:

01.01.2022 йил ҳолати				
Жамиятнинг асосий молиявий кўрсаткичлари	Кўрсаткичлар Формуласи ( $y=a/b$ )	Миллий валютада (минг сўм ҳисобида)	Нажита	Ўрнатилган меъёрлар
Тўловга қобиллик (коплаш) коэффициенти	ТКК= $\frac{\text{Жорий активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}}$	$\frac{5\,297\,385,4}{2\,608\,966,0}$	2,03	>1,25
Ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти молиявий мустаҳкамлик	АК= $\frac{\text{Жами капитал} + \text{Узок муддатли қарз маблағлари} - \text{Узок муддатли активлар}}{\text{Жорий активлар}}$	$\frac{5\,988\,224,5}{5\,297\,385,4}$	1,13	>0,2
Активларнинг рентабеллик (зарарлик) коэффициенти	РК= $\frac{\text{Солик тўлагунга қадар фойда}}{\text{Жами харажатлар}}$	$\frac{592\,652,0}{1\,977\,062,0}$	0,30	>0
Ўз ва қарз маблағларининг нисбат коэффициенти	УНК= $\frac{\text{Жами капитал}}{\text{Жорий мажбуриятлар}}$	$\frac{4\,656\,527,0}{2\,608\,966,0}$	1,78	>1

### 42. Жамиятнинг ҳисоб юритиш сиёсати ҳақидаги маълумотлар.

Жамиятнинг ҳисоб юритиш сиёсати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган “Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида”ги йўриқнома (12.10.2007й. 1728-сон) ва жамиятнинг ички ҳисоб юритиш сиёсатига мувофиқ амалга оширилади.



**43. Сўнги 3 йил тугалланган молиявий йил учун даромадан фойдаланиш асосий йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар, минг сўм.**

(минг. сўм ҳисобида)

Номланиши	2019 йил якунлари бўйича		2020 йил якунлари бўйича		2021 йил якунлари бўйича	
	%	миқдор	%	миқдор	%	миқдор
<b>Жами даромад:</b>	<b>100%</b>	<b>1 447 623</b>	<b>100%</b>	<b>2 050 333</b>	<b>100%</b>	<b>2 569 714</b>
фоизли ҳаражатларга	20,80%	301 080	19,94%	408 766	38,46%	988 424
фоизсиз ҳаражатларга	1,64%	23 799	2%	41 032	1,86%	47 827
кредит резерв ҳаражатиға	0,71%	10 276	1,73%	35 473	10,06%	258 502
операцион ҳаражатларга	36,40%	526 881	33,62%	689 380	26,55%	682 309
солиқ тўловларига	3,80%	55 012	6,91%	141 629	2,20%	56 526
захира фондига	1,84%	26 576	1,79%	36 753	0%	0
дивиденд тўловларга	34,82%	503 999	34,01%	697 301	0%	0

**44. Мазкур Рисола тасдиқланган кунгача сўнги йил учун аффилиланган шахслар билан тузилган йирик битимлар тўғрисидаги маълумотлар.**

Жамиятининг 26.07.2021 йил кунги акциядорларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишида йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Ушбу қарорға биноан Андижон шаҳри, А.Темур кўчаси 44-а-уйда жойлашган 2 қаватли (473,22 м/кв) маъмурий бино, жами суммаси 2 366 100 000 сўмлик жамият томонидан сотиб олинган ва жамият балансига кириш қилинган. Мазкур йирик битим қиймати жамият битим тузиш санасига жамият соф активларининг 4 261 170 000 сўми, яъни 55,50 фоизини ташкил қилган.

**45. Жамият активлари умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган активлар, ҳар бир активнинг тегишли баланс қиймати кўрсатилади.**

Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтга жамият активлари умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил қилган активлари қуйидагича:

(минг. сўм ҳисобида)

Активлар номи	Бошланғич қиймат (баланс қиймати бўйича)	Улуш фоизда
Бино	3 146 100	19,65%

**46. Жамият активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги дебиторлик қарзи.**

Жамият активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизи миқдорида дебиторлик қарзи мавжуд эмас.

**47. Жамиятнинг асосий фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ва жамият мажбуриятлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи.**

Жамият асосий фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ва жамият мажбуриятлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи мавжуд эмас.

**48. Жамият томонидан асосий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган, жамият мажбуриятларининг баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи.**

Жамият томонидан асосий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган, жамият мажбуриятларининг баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи мавжуд эмас.

**49. Сўндирилмаган кредитлар (қарзлар) тўғрисидаги маълумотлар.**

<b>Кредит ташкилоти (қарз берувчи) номи</b>	<b>Кредит (қарз) шартномасининг асосий шартлари</b>	<b>Кредит (қарз) шартномасининг тугаш санаси</b>	<b>Кредит (қарз) шартномасининг сўндирилмаган тўлов қисми, сўмда</b>
АТ "Алоқабанк" Андижон филиали	Кредит мақсади: Жамият айланма маблағи учун; Олинган сана: 07.12.2021 йил; Кредит суммаси: 2 000 000 000 сўм; Йиллик фоизи: 25 фоиз; Муддати: 1 йил	07.12.2022 йил	2 000 000 000
ЧЭКИ "ИНФИН-БАНК" Андижон филиали	Кредит мақсади: Жамият айланма маблағи учун; Олинган сана: 28.12.2021 йил; Кредит суммаси: 700 000 000 сўм; Йиллик фоизи: 22,99 фоиз; Муддати: 18 ой	28.06.2023 йил	535 000 000

**50. Солиқ тўловлари бўйича муддати ўтиб кетган қарз миқдори, сўм.**

Жамиятнинг солиқ тўловлари бўйича муддати ўтиб кетган қарзлари мавжуд эмас.

**51. Активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этган жамиятнинг инвестициялари тўғрисидаги маълумотлар.**

Жамият активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этган жамиятнинг инвестициялари мавжуд эмас.

**6-боб. Яқуний қоидалар****52. Мазкур Рисола нусхалари ва асл нусхаси билан танишиш тартиби ва жойи тўғрисида маълумот.**

Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва мазкур чиқарилишга доир эмиссия рисоласининг асли нусхалари билан Андижон вилояти, Андижон шаҳар, А.Темур шох кўчаси 44-а-уй манзилида жойлашган жамиятнинг маъмурий биносида, haftанинг иш кунлари соат 9<sup>00</sup> дан 18<sup>00</sup> гача бўлган вақт давомида танишиш мумкин. Жамият томонидан эмиссия рисоласини кўриб чиқиш учун ҳеч қандай тўловлар олинмайди ва ҳеч қандай дастлабки шартларсиз ва аризасиз эмиссия рисоласини танишиш учун инвесторларга тақдим этилади.

**53. Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши шартлари жойлаштириладиган ахборот-маълумот тизимлари, даврий нашрлар манзиллари ва номлари.**

Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор этилиши шарт бўлган акциялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот-маълумотлар Корпоратив ахборот ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 6-уйда манзил бўйича жойлашган "Бизнес-Daily Медиа" Нашриёт уйи Масъулияти чекланган жамиятга тегишли Biznes Daily «Биржа» газетасида эълон қилинади.

**54. Жамият қимматли қоғозларини сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун жамиятнинг фикрига кўра ошкор этилиши зарур бўлган бошқа маълумотлар.**

Бошқа маълумотлар мавжуд эмас.